

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**МИРСАГАТОВ КАХРАМОН ХАЙДАРОВИЧ**

**ИШГА ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ  
СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.  
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2023 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Мирсагатов Кахрамон Хайдарович**

Ишга тиклаш түғрисидаги меңнат низоларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.....3

**Mirsagatov Kakhramon Khaydarovich**

Procedural features of consideration of employment disputes on restatement at work.....22

**Мирсагатов Кахрамон Хайдарович**

Процессуальные особенности рассмотрения в судах трудовых споров о восстановлении на работе .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....44

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**МИРСАГАТОВ ҚАҲРАМОН ҲАЙДАРОВИЧ**

**ИШГА ТИКЛАШ ТҮҒРИСИДАГИ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДДА КЎРИШНИНГ  
ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи.  
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида  
B2021.2.PhD/Yu542 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида ([www.sudyalaroliymaktabi.uz](http://www.sudyalaroliymaktabi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович**  
юридик фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эсанова Замира Нормуротовна**  
юридик фанлари доктори, профессор

**Кучкаров Хамидулло Абдурасулович**  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби хузуридаги PhD.37/27.02.2020.YU.107.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 6 март куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-й. Тел.: (+998)555010189; факс: (+998)555010189, e-mail: [sudyalaroliymaktabi@umail.uz](mailto:sudyalaroliymaktabi@umail.uz)).

Диссертация билан Судъялар олий мактабининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9-ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-й. Тел.: (+998)555010189; факс: (+998)555010189, e-mail: [sudyalaroliymaktabi@umail.uz](mailto:sudyalaroliymaktabi@umail.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил ..... куни тарқатилди.

(2023 йил .....даги .....-рақамли реестр баённомаси).

**К.О.Синдоров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
райси, юридик фанлар доктори, профессор

**Д.Р.Артиков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (Phd)

**Б.Б.Самарходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, юридик  
фанлар доктори, профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Дунёда иш ўринларининг қисқариши билан бирга малакали мутахассисларнинг этишмаслиги глобал муаммога айланмоқда. Халқаро таҳлилчиларнинг ҳисботига кўра, 2030 йилга келиб Германияда 5 млн., Швейцарияда 400 минг ишчи-ходим танқислиги вужудга келади<sup>1</sup>. Мазкур муаммони мутахассислар этишмовчилигига учраётган айрим Европа давлатлари Яқин Шарқ, Осиё, Марказий Осиё ва Африкалик ходимларни ёллаш орқали ҳал этишга оид дастурларни ишлаб чиқишига зўр бермоқдалар. Бу эса, инсон ресурсига бой ва ривожланиб келаётган юқоридаги давлатларда ходимларнинг меҳнат хукуқларини иш берувчилар томонидан камситилишини олдини олиш, уларнинг меҳнат хукуқларини давлат органлари томонидан ҳимоя қилишнинг энг самарали механизмларини ишлаб чиқиши, меҳнат хукуқларининг ҳимояси даражасини халқаро рейтинг ва индекслар талаблари даражасида таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтироқда.

Жаҳонда ходимларнинг ишсизликдан, шунингдек, ғайриқонуний тарзда меҳнат қилиш хукуқидан маҳрум этишдан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг йиллик баҳолаш натижаларига кўра, 2020 йилда меҳнат бозорлари кўрган зарап натижасида дунёда иш вақти йўқотилиши 8,8 фоизга ўсган бўлиб, бу кўрсаткич тўлиқ бандлик ҳолатидаги 255 млн. ходимнинг иш ўрнига тенг саналади<sup>2</sup>. Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й. 10 декабрь), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й. 19 декабрь), ХТМнинг инсон хукуқлари бўйича халқаро шартномалари<sup>3</sup> каби хужжатлар асосида қабул қилинган миллий хукуқий хужжатларда ходимларнинг меҳнат хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга шикоят қилиш хукуқини кафолатлаш, меҳнат низоларини судда кўриш ва ҳал этиш тартибини белгилаш, бу борада одил судлов шаффоғлигини, судда тарафлар тенглигини ҳамда суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблиқ касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида “адолат давлатчиликнинг мустаҳкам пойдевори” эканлиги, “адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса, суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллаши” эътироф этилмоқда<sup>4</sup>, “инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш”, “суд жараёнларида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий қилиш”<sup>5</sup> каби муҳим

<sup>1</sup> Хижняк В.С. Трудовая миграция и человеческий капитал в условиях глобализации: пролемы конституционно-правовой политики / Государство и право. 2022. № 9. - 57. 65 с.

<sup>2</sup> [https://www.ilo.org/global/topics/coronavirus/impacts-and-responses/WCMS\\_767028/lang--ru/index.htm](https://www.ilo.org/global/topics/coronavirus/impacts-and-responses/WCMS_767028/lang--ru/index.htm).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ва инсон хукуқлари бўйича халқаро шартномалар // БМТ Тараққиётга Ҳамкорлик Кўрсатиши Даствури / Масъул мухаррир А.Х.Саидов, юридик фанлари доктори, профессор. Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. –Тошкент, Адолат. 2002. – 270 б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/politics/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнданги “Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон, 24.07.2021 й., 06/21/6269/0704-сон.

вазифалар белгиланмоқда. Бу эса, мамлакатимиз иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг кечиши, меҳнат бозорининг кенгайиши ва ўсиши, хусусий секторнинг юзага келиши ва ривожланиши, меҳнат муносабатлари субъектлари бўлмиш иш берувчи ва ходимлар манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳамда қарийиб чорак асрдан буён амал қилиб келган мамлакатимиз меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, меҳнат низоларини судлар томонидан қонуний, асосли ваadolатли ҳал этиш заруратини юзага келтирмоқда. Айниқса, сўнгги вақтларда ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларининг асоссиз бекор қилиниши каби ҳолатларнинг тез-тез юз бераётганлиги йилдан-йилга судларда кўрилаётган меҳнат низоларининг сони тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2019 йилнинг 9 ойи давомида судда даъво тартибида кўриб тамомланган 98080 та фуқаролик ишидан 1165 таси (1,2 фоизи)<sup>1</sup> ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда меҳнатга оид низоли ишларнинг умумий сони 11 113 тани ташкил этиб, 2021 йилга қараганда 6 083 тага кўпайган. 2022 йилда биринчи инстанция тартибида туманлараро судларда кўрилган меҳнат низоларининг 3151 таси ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар ҳисобланиб, бу кўрсаткич 2021 йилда 2606 тани ташкил этган. Таҳлиллар ишга тиклаш тўғрисидаги фуқаролик ишларини судда кўришда тарафларнинг амалда тенг ҳуқуқлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш, ушбу тоифадаги низоларни кўриш ва ҳал этиш тартибини белгиловчи меҳнат ва фуқаролик процессуал қонун нормаларини такомиллаштириш, иш бўйича суд қарорларининг қонуний, асосли ваadolatлилигини таъминлаш ҳамда унинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишининг самарали механизмларини жорий этиш масалаларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), Меҳнат кодекси (1995, 2022), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги (2021), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва

<sup>1</sup> <https://stat.sud.uz/fib.html>.

уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятларига бағишлиланган диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистонда мустақил тадқиқот обьекти бўлиб маҳсус монографик тадқиқот обьекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Хусусан, Ш.Ш.Шораҳметов, Э.Эгамбердиев, М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, И.Н.Закирова, К.К.Олимова, Х.А.Кучқаров, М.М.Тажибоев, С.А.Марипова каби олимларнинг тадқиқот ишларида айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари билан боғлиқ масалалар у ёки бу даражада ёритилган. Масалан, М.М.Мамасиддиқов томонидан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган тадқиқотлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳуқуқшунос олим меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари ҳамда меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммоларини чукур тадқиқ этган. Шунингдек, З.Н.Эсанова болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини тадқиқ этиб ўрганган. Э.Эгамбердиев суд ишларини юритишда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг процессуал воситаларини тадқиқ этган, фуқаролик процессида тарафлар иштирокига оид айрим масалалар С.А.Якубов, фуқаролик судида иш кўришда тамойилларни қўллаш масалалари Д.Ю.Хабибуллаев<sup>1</sup> томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда меҳнат ҳуқуқи фани доирасида меҳнат низоларини ҳал этиш билан боғлиқ бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилганлиги эътиборга лойиқ. Хусусан, М.Ю.Гасанов, А.А.Иноятов, Г.М.Мурадова, Г.Д.Саттарова, Ю.Турсунов, М.А.Усманова, Д.С.Атажанова, Ш.А.Исмоилов, М.Ж.Зиядуллаев, М.М.Махаматов, Б.Т.Мусаев, М.А.Рахимов ва Л.У.Раҳимқулованинг илмий ишларида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари 12.00.05- Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ихтисослиги доирасида ўрганилган. Хусусан, Ш.А.Исмоилов томонидан айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари, М.А.Рахимов томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Л.У.Раҳимқулованинг тадқиқот ишида эса, якка меҳнат низоларини қўриб ҳал этиш тартиби меҳнат ҳуқуқи ихтисослиги доирасида ўрганилган.

Судларда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни кўриш ва ҳал этиш билан боғлиқ масалалар хорижий давлатларнинг қатор олимлари томонидан ҳам ўрганилганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, G.Judit Жанубий Африка меҳнат қонунчилигига ходимни ишга тиклаш ва товоң тўлаш муаммосини, Aycı Bayburan томонидан Туркияда меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ходимни ишга тиклаш механизмини, V.Sandra томонидан Германияда жамоа

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

шартномаларининг тадбиқ қилинишини илмий-амалий жиҳатларини ўрганган бўлса, Е.А.Лазарева меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг процессуал хусусиятлари, В.И.Мартыненко якка меҳнат низоларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари, П.С.Барышников меҳнат низолари бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш<sup>1</sup> мавзусида тадқиқот ишларини амалга оширган.

Бугунги кунда юқоридаги тадқиқотлар, шубҳасиз, меҳнат ва фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Бироқ, кўриб турганимиздек, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар ичida марказий ўринни эгаллайдиган ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари мавзусида мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида олиб борилган “Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари” (2020–2023) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** судларда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни кўриш ва ҳал этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

меҳнат низоларига муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш ва унинг моҳиятини очиб бериш;

ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг таалтуқлилиги билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва уларни ҳал этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни ҳал этишда медиация институтини кўллаш имкониятларини таҳлил қилиш ва уни жорий этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг судловлиги билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш;

судда ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг кўрилишида иштирок этувчи шахслар ва уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш;

ишга тиклашга оид низоли ишларни судда қўзғатиш ва судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос процессуал жиҳатларини тадқиқ этиш;

судда ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни кўрилишида исботлаш ва далиллардан фойдаланиш масалаларини ўрганиш;

ходимга етказилган маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш;

ишга тиклаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорлари ва уларни ижро этиш

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

тартибини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши;

ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш билан боғлиқ хорижий тажрибани таҳлил қилиш орқали мамлакатимиз қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг объекти** ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларини судда кўриш ва ҳал этиш соҳасида юзага келган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** ишга тиклаш тўғрисидаги фуқаролик ишини судда кўриш ва ҳал этиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал ва меҳнат қонунчилиги, бошқа қонун ва қонун ости норматив-хуқуқий ҳужжатлар, уларни кўллаш бўйича суд амалиёти, шунингдек хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб бориш жараёнида қиёсий-хуқуқий тадқиқот, мантиқий, таҳлилий, тарихий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, ҳуқуқни кўллаш амалиёти ходимлари билан сўровлар ўтказиш, миллий нормаларни шарҳлаш, суд амалиётига оид материалларни умумлаштириш ҳамда статистик маълумотлар таҳлили услубларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

меҳнатга оид низолар тушунчаси муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилиб, бунда “**меҳнатга оид низолар**” деганда иш берувчи ва ходим ўртасида ёхуд ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини кўллаш масалалари бўйича, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини ўзгартириш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар тушунилиши зарурлиги, мазкур таърифнинг асосларини иш берувчи ва ходим ўртасида, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини кўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилиши асослантирилган;

ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларини ҳал этишда медиация институтини кўллаш имкониятлари таҳлил қилиниб, меҳнат қонунчилигига ишга тиклаш тўғрисидаги низоларга нисбатан яраштирув-воситачилик тартиб-таомилларини кўллаш, ушбу тартиб-таомиллар низоларни яраштириш комиссияси томонидан, медиатор иштирокида ҳамда меҳнат арбитражида кўриб чиқишдан иборат бўлишини мустаҳкамлаш зарурати асослаб берилган;

даъво хусусиятига эга бўлган меҳнат низолари каби ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни судда кўришнинг ҳар қандай босқичида тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида суд ҳужжатини қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришдан олдин “Медиация тўғрисида”ти Қонунга мувофиқ кўриб чиқиши учун медиаторга ўтказилиши мумкинлигини белгилаш таклифи асослаб берилган;

иш берувчининг меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни (ишга олиш тўғрисидаги, бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхалари; меҳнат дафтарчасидан кўчирма; иш ҳақи тўғрисидаги маълумот, ҳисобланган ва амалда ходим томонидан тўланган солиқлар ва

мажбурий тўловлар; ушбу иш берувчи билан ишлаш даври ва ҳоказоларни) ходимга тақдим этиш тартиби ва муддатини назарда тутувчи нормани қонунчиликка киритиш зарурлиги асосланган;

ходимни ишга тиклаш бўйича низолар судга мурожаат қилиш муддатини ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганилиги тўғрисида буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб уч ой, бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўзининг ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан олти ой қилиб белгилаш, ходимга етказилган заарни қоплаш бўйича низолар учун даъво муддати белгиламаслик, якка меҳнат низоларини қўриб чиқиш учун белгиланган шикоят қилиш муддати, якка меҳнат низосини медиацияда қўриб чиқиш вақтида тўхтатилиши зарурлиги асослаб берилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича турдош судловга тегишлилик қоидаларини жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари давлат сирлари билан боғлиқ ишларни, жавобгар тариқасида давлат бошқарув органлари, хусусан, вазирликлар, давлат қўмиталари, компаниялар ва йирик бирлашмалар, чет эл ташкилотлари иштирок этадиган ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни кўриши ҳақидаги нормани фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш зарурати юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

мамлакатимиз ФПКнинг “Яраштириш тартиб-таомиллари” номли бобини такомиллаштириш мақсадида тарафларни яраштириш тартиби ва асослари, келишув битимининг ижроси, келишмовчиликларни медиация тартибида бартараф этиш, медиация тартибида келишув тузиш ва унинг ижроси, судьянинг иштирокисиз тарафларнинг адвокатлари ўртасида музокара ўтказиш орқали келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби, шундай келишувларни тузиш тартиби ва унинг ижросига доир нормалар киритилиши асослантирилган;

“Давлат хизматчилари тўғрисида” маҳсус қонун қабул қилиш зарурати асослаб берилган;

вояга етмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини судларда тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд бундай ишларда шахсан иштирок этиш учун вояга етмаганларни ишда иштирок этиш учун жалб этиши шартлигини фуқаролик процессуал қонунчиликда белгилаш асослантирилган;

ходимни ишга тиклаш бўйича низолар судга мурожаат қилиш муддатини ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганилиги тўғрисида буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб уч ой, бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўзининг ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан олти ой қилиб белгилаш, якка меҳнат низоларини қўриб чиқиш учун белгиланган шикоят қилиш муддати, якка меҳнат низосини медиацияда қўриб чиқиш вақтида тўхтатилиши лозимлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самардорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида ишга тиклаш тўғрисидаги ишларда прокурор иштирокининг мажбурийлигини белгилаш зарурати асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, хуқуқни қўллаш амалиёти, сўровномага асосланган. Статистик маълумотларнинг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган. Холоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан маъқулланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фуқаролик процессуал ва меҳнат хуқуки фанлари назариясини суд орқали ҳимоя қилиш, судда иш кўришнинг процессуал хусусиятлари, меҳнат низолари, ходимларнинг меҳнат хуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш каби янги тушунчалар билан бойитилишида намоён бўлади. Таклиф ва тавсиялар келгусида тадқиқот ишларини ташкил этиш, норматив-хуқуқий хужжатлар, мамлакатимиз Олий суди Пленуми қарорларини ҳамда қонунчилик нормаларига шарҳлар тайёрлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фуқаролик процессуал ва меҳнат хукуки, меҳнат низоларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари, айрим туркумдаги фуқаролик ишларини судда кўришнинг процессуал хуусусиятлари каби модулларини ўқитиш, суд, прокуратура ва адвокатлар учун, шунингдек меҳнат шартномаси томонлари ва касаба уюшмалари учун амалий қўлланмалар тайёрлаш, Олий суд Пленуми қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қўйидагиларда фойдаланилган:

“меҳнатга оид низолар” тушунчасига доир концептуал ғоя ва таклифлар “Фуқаролик процессуал хуқуқи” номли дарсликда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 13 майдаги 166-сон буйруғига асосан берилган 166-443-сонли далолатнома). Бу эса, мутахассислик бўйича таълим олаётган юридик олий таълим муассасаларининг талабалари ва тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, малака ошириш маркази тингловчилари, шунингдек, меҳнатга оид низоли ишларни кўриш ва ҳал қилиш ваколатига эга органлар ходимларининг билим, маҳорат ва кўнималари шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларини ҳал этишида медиация институтини қўллаш асослари ва тартибини қонунчиликда белгилаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси янги Меҳнат кодексининг 542-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 14 октябрдаги 27/2-244-22 сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши ишга тиклаш тўғрисидаги низоларга нисбатан яраштирув-воситачилик тартиб-таомилларини қўллаш, ушбу тартиб-таомиллар низоларни яраштириш комиссияси томонидан, медиатор иштирокида ҳамда меҳнат арбитражида қулай ва соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишига хизмат қилган;

даъво хусусиятига эга бўлган меҳнат низолари каби ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни судда кўришнинг ҳар қандай босқичида тарафларнинг

ихтиёрий розилиги асосида улар томонидан ўзаро мақбул ечимга эришиш мақсадида воситачининг ёрдами билан низоларни ҳал қилиш тартиб-таомили қўлланилишини белгилаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси янги Мехнат кодексининг 545-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг 2022 йил 14 октябрдаги 27/2-244-22-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни судда кўришнинг муқобил усулларини қўллаш орқали низоларни тез ва самарали ҳал этишга хизмат қиласди;

иш берувчининг меҳнат муносабатлари билан боғлик бошқа ҳужжатларни ходимга тақдим этиш тартиби ва муддатини назарда тутувчи нормани қонунчиликка киритиш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси янги Мехнат кодексининг 117-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармаси бошлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 12-4-59-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши судда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда иштирок этувчи тарафлар (иш берувчи ва ходим)нинг teng ҳуқуқлилиги ва тортишувини таъминлашга хизмат қиласди;

ходимни ишга тиклаш бўйича низолар судга мурожаат қилиш муддатини ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб уч ой, бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўзининг ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан олти ой қилиб белгилаш, ходимга етказилган зарарни қоплаш бўйича низолар учун даъво муддати белгиламаслик, якка меҳнат низоларини қўриб чиқиш учун белгиланган шикоят қилиш муддати, якка меҳнат низосини медиацияда қўриб чиқиш вақтида тўхтатилиши ҳақидаги таклифлар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексининг 560-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 12 октябрдаги 12-4-59-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ҳуқуқи бузилган ходимларга суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қиласди.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 13 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 8 та параграфни ўзида жамлаган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги,

тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуслари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилингандиги, апробацияси, натижаларнинг эълон қилингандиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг “Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларининг умумий тавсифи” деб номланган биринчи бобида ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари тушунчаси, тааллуқлилиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Хусусан, “меҳнатга оид низолар” тушунчаси ҳақида хуқуқшунос олимларнинг (М.Мамасиддиқов, Й.Турсунов ва Ш.Газиевлар, М.Усманов, Л.Рахимқулов, А.Иноятов, В.Мартиненко) таърифлари таҳлили асосида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, унга кўра, меҳнатга оид низолар деганда, “иш берувчи ва ходим ўртасида ёхуд ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа хуқуқий хужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш масалалари бўйича, шунингдек, янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини ўзгартириш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар меҳнат низолари” тушунилиши илгари сурилган. Мазкур таърифнинг асосларини иш берувчи ва ходим ўртасида, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар ташкил қилиши асослантирилган.

Муаллиф меҳнат низоларининг тааллуқлилиги тушунчасини таҳлил қилиб, меҳнат шартномаси тарафларининг таркиби ва меҳнат низоларини ҳал этувчи органлар ваколатлари хусусиятидан келиб чиқиб ҳамда меҳнатга оид низоли ишларни қўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун хужжатлари билан муайян давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки бошқа ваколатли органлар зиммасига юклатилганлиги тушунилиши лозимлигини таъкидлаган.

Диссертант ишда меҳнат низолари комиссияси бевосита суд томонидан кўриладиган меҳнат низоларидан ташқари барча меҳнат низоларини, хусусан, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа хуқуқий хужжатларни, меҳнат шартномасини қўллаш масалаларига доир якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлиши керак, деган хulosани илгари суради. Унинг фикрича, мазкур комиссиянинг хуқуқий мақоми, ушбу комиссияни тузиш, комиссиянинг ваколатлари, комиссияга ариза бериш тартиби, якка тартибдаги меҳнат низосини ушбу комиссияда кўриб чиқиш тартиби, комиссия мажлисининг баённомаси, комиссияга мурожаат қилиш муддати, комиссиянинг қарори, комиссия қарори устидан шикоят қилиш билан боғлиқ нормалар меҳнат қонунчилигига батафсил тартибга солиниши лозим.

Тадқиқотчи ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг тааллуқлилиги борасидаги муаммоли масалаларни ўрганиб, мамлакатимизда ҳам айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тегишли меҳнат низоларини ҳал қилиш

тартибини белгиловчи маҳсус - “Давлат хизматчилари тўғрисида”ги қонунни қабул қилинишини асослантиради.

Мехнат кодексида ишга тиклаш тўғрисидаги низоларга нисбатан яраштирув-воситачилик тартиб-таомилларини қўллаш, ушбу тартиб-таомиллар низоларни яраштириш комиссияси томонидан, медиатор иштирокида ҳамда меҳнат арбитражида кўриб чиқишдан иборат бўлиши, шунингдек, даъво хусусиятига эга бўлган меҳнат низоларини кўриб чиқишининг ҳар қандай босқичида тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида улар томонидан ўзаро мақбул ечимга эришиш мақсадида низони медиатор кўмагида бартараф этиш тартиб-таомили қўлланилиши мумкинлиги, ҳар қандай якка тартибдаги меҳнат низоси меҳнат низолари бўйича комиссияда ёки судда кўриб чиқишининг исталган босқичида, суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун киришидан олдин Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш учун медиаторга ўтказилиши мумкинлиги ҳақидаги нормани ҳам киритиш таклифи асослантириб берилган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг “Яраштириш тартиб-таомиллари” деб номланган бобини янада такомиллаштириш, унда тарафларни яраштириш тартиби ва асослари, келишув битимининг ижроси, келишмовчиликларни медиация тартибida бартараф этиш, медиация тартибida келишув тузиш ва унинг ижроси, судъянинг иштирокисиз тарафларнинг адвокатлари ўртасида музокара ўтказиш орқали келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби, шундай келишувларни тузиш тартиби ва ижросига доир нормаларни киритиш таклифи асослантирилган.

Диссертант судловга тегишлилик қоидаларини таҳлил қилиб, ФПКга ишга тиклаш тўғрисидаги низолар учун турдош судловга тегишлилик қоидасини, унга риоя қиласлик суд ҳал қилув қарорларини бекор қилишга асос бўлиши тўғрисидаги нормани киритиш таклифини илгари суради. Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда жавобгар тариқасида давлат бошқарув органлари, хусусан, вазирликлар, давлат қўмиталари, компаниялар ва йирик бирлашмалар, шунингдек чет эл ташкилотлари иштирок этадиган бўлса, у ҳолда мазкур низоли ишлар тегишлилигига қараб фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тегишли бўлишини ФПКнинг 29-моддасида белгилаш таклифи асослантирилади.

Диссертациянинг **“Судда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда иштирок этувчи шахслар ва ишни судда қўзғатишининг процессуал хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида мазкур тоифадаги низоларни судда кўриш, суд процессида иштирок этувчи шахслар, уларнинг тоифалари, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати масалалари ҳамда судларда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни қўзғатиш ва даъво муддатини қўллашнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил қилинган.

Диссертант фуқаролик процессида тарафларнинг ҳуқуқий мақомини ҳамда ишга дахлдор жавобгарни тўғри белгилаш мақсадида қонунчиликда меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида ходим ва иш берувчининг ҳуқуқий мақомини батафсил тартибга солиш, ходим ва иш берувчи якка тартибдаги

мехнатга оид муносабатларнинг субъектлари эканлиги, иш берувчилар сифатида иш юритиши мумкин бўлган шахслар сифатида мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатби назар, ташкилотлар, ташкилотларнинг ишга қабул қилиш ҳукуқига зга бўлган алоҳида таркибий бўлинмалари ва жисмоний шахслар эътироф этилишини мустаҳкамлаб қўйилишини асослантиради.

Жисмоний шахслар, агар улар юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган бўлса; агар улар ўзига хизмат кўрсатилиши ва уй хўжалигини юритища ёрдамлашиб мақсадида уй хизматчиларини ёллашни амалга оширса; агар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда уларнинг касбий фаолияти рўйхатдан ўтказилиши ва (ёки) лицензияланиши лозим бўлса ҳамда улар мазкур фаолиятни амалга ошириш мақсадида ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларга киришган бўлса, иш берувчи сифатида эътироф этилиши ҳақидаги қоидани меҳнат қонунчилигига белгилаб қўйиш лозимлиги асослантириб берилади.

Шунингдек, диссертант вояга етмаган шахсларнинг меҳнат ҳукукларини судларда тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд бундай ишларда шахсан иштирок этиш учун вояга етмаганларни жалб этиши шартлигини ФПКда белгилаш лозимлигини, зарур ҳолларда, суд мазкур шахсларни ишда иштирок этиш учун жалб қилмаслик ҳукуқига эга бўлишини таклиф этади.

Шу билан бирга, суддаги вакиллар ҳам фуқаролик ишида иштирок этувчи шахслар таркибиға кирав экан (39-модда), уларни ФПКда алоҳида 7-бобга ажратилиши етарли асосларга эга эмас, деган хulosага келади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича судга мурожаат қилишда даъво муддатини қўлламаслик меҳнатга оид ҳукуқий муносабатларида бекарорликни келтириб чиқариши, ортиқча оворагарчиликларга, ишларнинг ҳал этилишини чўзиш каби оқибатларга олиб келиши ҳақидаги хulosаларни илгари суради. Бироқ, ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича судга мурожаат қилиш муддатининг қисқалиги, судларда ушбу муддатларни тиклаш билан боғлиқ ишлар қўпчиликни ташкил этаётгани, айrim ҳолларда, иш берувчилар ходимга унинг ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини тақдим қилишда қонун талабларига риоя қилмаётганлиги ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодексида ушбу муддатларни белгилаш ва уни ҳисоблашнинг янги тартибини киритиш тақлифи илгари сурилган. Унга кўра, ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги иш берувчи буйруғининг кўчирма нусхаси нафақат ходимнинг ўзига, балки унинг ишончли вакилига топширилган кундан ёхуд почта орқали ушбу буйруқ нусхаси ходимнинг уй манзилига юборилган кундан эътиборан уч ой қилиб белгиланиши тақлиф қилинади. Шунингдек, якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш бўйича судга мурожаат этиш муддатининг ўтиши якка тартибдаги меҳнат низосини медиация тартибида кўриб чиқиш даврида тўхтатиб турилиши тўғрисидаги нормани киритиш лозим деган хulosани илгари суради.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича ходим томонидан тақдим этилган даъво аризаларини қабул қилиб, ишни судда кўриш учун

тайёрлашда судлар, албатта, ходимнинг судга мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юборганлик масаласини аниқлашлари лозимлиги кўрсатилиб, муддатга риоя қилиниши, ўтказиб юборганлик, муддатни тиклаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сонли қарори асосида амалга оширилиши кераклиги таҳлил қилинган. Шунингдек, Пленум қарорининг 2-бандида МКнинг 270-моддасида белгиланган муддатлар прокурор, касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан бериладиган даъволар билан бирга давлат меҳнат ҳукуқ инспекцияси томонидан берилган даъволарга нисбатан ҳам татбиқ қилинади, деб тушунтириш бериш таклифи илгари сурилган.

Диссертациянинг “Ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш, мазмунан кўриш, иш бўйича суд қарорлари ва уларни ижро этиш масалалари” деб номланган учинчи бобида ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш ва кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича қарорлари ва уларга қўйилган талаблар, ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиш хусусиятлари, бу борадаги миллий қонунчилик ва илфор хорижий давлатлар тажрибаси, миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари асосида таҳлил қилинган.

Шу билан бирга, тадқиқотда ўрганилган айрим хорижий давлатларининг ФПКда мамлакатимиз қонунчилиги каби ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун маҳсус муддат белгиланганлиги, айрим давлатларда эса, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун маҳсус муддат белгиланмаганлигини, бу муддат ишни судда кўриш муддатини ичига кириб кетганлиги таҳлил қилинган ва давлатлар куйидаги гурухларга ажратилган:

биринчиси, қонунчилигида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун маҳсус муддат белгиланган давлатлар (Ўзбекистон Республикаси ФПК 202-моддаси, Қозоғистон Республикаси ФПК 164-моддаси);

иккинчиси, қонунчилигида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун маҳсус муддат белгиланмаган ва бу муддат ишни судда кўриш муддати таркибига киритилган давлатлар (Россия ФПК 154-моддаси, Беларусь ФПК 158-моддаси, Тожикистон ФПК 157-моддаси, Қирғизистон ФПК 157-моддаси, Озарбайжон ФПК 172-моддаси, Эстония ФПК 397-моддаси).

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, ФПКда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун муддат белгиланмаган ва ушбу муддатлар ишни судда кўриш муддати таркибига киритилган давлатлар (Россия, Беларусь, Озарбайжон, Эстония, Тожикистон, Қирғизистон)нинг қонунчилик тажрибаси ижобий эканлигини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 202-моддаси чиқарилиши лозимлиги ва мазкур Кодекснинг “Фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш муддатлари” деб номланган 207-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмунда баён этилиши таклиф қилинган:

“Фуқаролик ишлари судга ариза келиб тушган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади. Бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига кўра уч ойгача узайтирилиши мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмida

кўрсатилган ишлар мустасно.”

Фуқаролик ишларини суд муҳокамасида қўришга тайёрлаш ва ишни кўриш муддатларини бирлаштириш турли расмиятчиликларга барҳам бериши, судьяларнинг иш юкламаларини енгиллаштириши, иш қўриш муддатларини оптималлаштириши ва натижада бузилган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни судлар томонидан ўз вақтида ва тўғри ҳимоя қилинишига хизмат қилиши билан асослантирилган.

Тадқиқот ишида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойилини амалда таъминлаш, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, меҳнат унумдорлигини ўсишига, иш сифатининг яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашиш, ва ниҳоят, мансабдор шахслар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларининг бузилишга оид меҳнат низоларини олдини олиш мақсадида меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсларнинг моддий жавобгарлиги микдоридаги чекловлардан бутунлай воз кечиши мақсадида МҚдан 274-моддани ҳамда ФПҚдан эса, 184-моддани чиқариб ташлаш таклиф қилинган.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича ходимларга иш бўйича муҳим аҳамият касб этувчи далилларни судга тақдим этишда қўшимча енгилликлар яратиш, ходимнинг иш бўйича исботлаш воситаларига эга бўлишда иш берувчи билан бир хил имкониятга эга бўлишини таъминлаш мақсадида ходимнинг ёзма аризасига биноан, иш берувчи ариза берилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ходимга иш билан боғлиқ ҳужжатларни бериши шартлиги, иш билан боғлиқ ҳужжатлар нусхалари тегишли равишида тасдиқланган бўлиши, иш билан боғлиқ ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари ходимга бепул берилишини назарда тутувчи норма белгиланиши мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий таклифлар ҳамда хулосалар ишлаб чиқилди:

### I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:

1) Муаллиф меҳнат низоларига қуйидагича илмий таъриф ишлаб чиқади:

